O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 6 (520)

2007-yil 7-fevral

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Қоринда қолган дока

Лекин у киши бизга ҳеч қандай маълумот беришни эп кўрмади. Керак бўлса барча маълумотларни прокуратура орқали оласизлар, деди. Ва менга бунақа "угроза" қилмаларинг, деб қўшиб ҳам қўйди.

3 Миграция: яшаш учун кураш

БМТ маълумотларига кўра, 1995 йилда 125 миллион киши ўзга мамлакатларда яшаган. Ўша пайтда яширин эмигрантларнинг сони 30 миллион киши атрофида бўлган. Бугун эса бу рақамлар анча ортиб кетди...

4 Шаҳар дарвозадан бошланади

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар ҳам Зарафшон дарёсининг шимолида, ҳозирги Кўктепа харобалари остида ва Афросиёб шаҳарчасининг пастки қатламларида Сўғднинг икки буюк шаҳари маданиятига оид мудофаа девори қолдиқлари топилган.

HURRIYATга 2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Сана

Мулки ва тахти баланд шоир

Дунёда ўз расм-русуми, урф-одат ва анъанасига эга халқлар, миллатлар кўп. Аммо маънавиятининг бутлиги, имон-эътиқодининг собитлиги, фозилу фузало, олиму уламо, шоиру шуаросининг кўплиги билан бир-биридан тафовутланадиган, тафаккур тарзи, ҳаётий тамойиллари, илмий салоҳияти билан алоҳидалик касб этадиган миллатлар бармоқ билан санарли. Осори-атиқаларини аввалаб, миллий-маънавий меросини муттасил тадқиқ этиб, келажак авлодга етказаётган ўзбек халқи ҳақли равишда мазкур тоифадандир. Биргина ҳазрат Алишер Навоий ижоди, бой адабий мероси, инсоният тафаккур тарзи, башарият камолотининг етуклиги, ўзаро тенглик, биродарлик ва муросага йўғрилган давлатчилик бошқаруви тамойиллари жамланган нодир асарлари минг йиллар мобайнида жаҳон тамаддунида ўзбекнинг салоҳиятини, илмий нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Нодирбек ҒАФФОРОВ,
ЎзДЖТИ «Ўзбек ва чет тиллари» кафедраси мудири, доцент

Беназир ижоди, пурҳикмат ҳаёти ва дурдона асарларини халқ осойишталиги, юрт фаровонлиги, илм ва санъат ривожи учун бахш этган, халқига "кўпроқ нафъ" келтирган Алишер Навоийнинг улуғ мутафаккир ва давлат арбоби бўлишида тўрт муҳим омил мавжуд: аввало, шоир яшаган давр ва оилавий муҳит. Алишернинг отаси Темурий ҳукмдори Абулқосим Бобурнинг яқинларидан бўлиб, мамлакатни бошқаришда иштирок этган ва кейинчалик Сабзаворда ҳоким ҳам бўлган. Ўз замонасининг илмли, оқил раҳбари сифатида Ғиёсиддин Кичкина ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор беради. 4 ёшида саводини чиқарган Алишер туркий ва форсийда битилган шеърларни ёд биларди. "Зафарнома" муаллифи Шарафиддин Али Яздий ва туркигўй Мавлоно Лутфий эътирофларига лойиқ бўлган Алишер Навоий тоғалари Мирсаид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий иштирокида ўтказиладиган шеърхонлик кечалари, мусоҳабаларда қатнашарди. 1456 йил Ҳиротдан пойтахт Машҳадга кўчирилгач, ёш Алишер Ҳусайн Бойқаро билан таҳсилни давом эттирди. Аммо таҳсил узоққа чўзилмади. 1457 йил тахтга Султон Абусаид Мирзо ўтирди. Ҳусайн Бойқаро Марв ва Чоржўй томонга кетади. Абулқосим Бобур билан Навоий оиласининг яқинлиги шоир ҳаётини анча мураккаблаштирди, яъни 1463 йил Ҳиротга қайтган Навоийнинг қариндошлари қувғин қилинди, тоғалари жангда ўлдирилди, бутун мол-мулк, уй-жойи тортиб олинди. Ўша вақтдаги дарбадарлик, ҳукмдор билан ўрталаридаги келишмовчиликлар ва мамлакатдан "ихрож" қилинишини ҳазрат кейинчалик устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзишича, ҳокимиятнинг ўзгариши ва Самарқандга келиши шоир ижодидаги иккинчи муҳим омил бўлди. Қарийб тўрт йил мобайнида Алишер Файзуллоҳ Абу Лайс мадрасасида таҳсил олади. Самарқанд адабий муҳитида ўзига хос мавқега эга бўлган Шайхим Суҳайлий, Мирзобек, Мавлоно Ховарий, Мир Қарший, Ҳарими Қаландар, муаммо жанри устози Улойи Шоший, Мавлоно Муҳаммад Олим каби олимлар билан яқиндан дўст тутинади. Давлатни идора этиш, давлатчилик асослари, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларга холисона адолат мезонидан туриб баҳо беришнинг илк тажрибаларини Навоий ўша вақтда Самарқанд ҳокими бўлган "Вафоий" тахаллуси билан ижод қилган Аҳмад Ҳожибекдан ўрганади.

Ҳазрат Навоийнинг бутун умри Темурийлар салтанатида, "Вақфия"да ёзганидек, йигитлик гулшанининг баҳори Ҳусайн Бойқаро хизматида ўтди. Темурийларнинг энг сўнгги уюшган давлатини тузган Ҳусайн Бойқаро Мирзога Навоийчалик азиз, мўътабар, жонкуяр инсон бўлмаган. Шоирнинг улуғ ишлар бошлашига сабаб бўлган, бевосита ҳомийлигига олган, ижодий юксалишининг учинчи асоси — Ҳусайн Бойқародир. 1469 йил Ҳирот тахтини эгаллагач, Ҳусайн Бойқаро дўсти, ҳамфикри Алишерни муҳрдор қилиб тайинлади. Давлат бошқарувида бирмунча малакаси ошган Навоий кўзғалон кўтарган халқни тинчитиб, ортиқча солиқларни камайтиришга эришди.

Ҳусайннинг рақиби Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг урушсиз, талофотсиз қўлга олгач эса Алишернинг обрўси ошди. 1472 йилда унга "Амири кабир" унвони баробарида бош вазир лавозими берилади. Мамлакатда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, вақф ишларини тартибга солиш, шаҳарларда савдосотиқ, ҳунармандчилик ва деҳқончиликни ривожлантириш, жамиятнинг кам таъминланган, меҳрга муҳтож, етим-есирларнинг

аҳволидан бохабар бўлиш, жамият такомилининг илдизига болта ураётган таъмагирлик, мансабини суиистеъмол қилиш каби иллатларни йўқотишга, бунёдкорлик, жамоат биноларини қайта тиклаш, таъмирлаш, пухта-пишиқ янги биноларни қуришга алоҳида эътибор қаратди. Тарихнавис Хондамирнинг ёзишича, ҳазрат Навоий сабаб Ҳиротда "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Халосия" хонақоҳи, "Шифоия" табғоҳи, Қуръон ҳифзини ўрганувчилар учун "Дорулҳуффоз", Марвда "Хусравия" мадрасаси, Машҳадда хайрия биноси қурилган, бир неча мадраса, 40 работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қайта таъмирланган. Ўз-ўзидан бу осори-атиқалар ўша давр меъморчилигининг ноёб намунасидир.

Давоми 2-бетда.

Анжуман

Йигирма икки ижодий лойиҳа

ЎзЭОАВМАнинг жорий йилги дастурида шунча миқдордаги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган

МУХБИРИМИЗ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2006 йилги фаолияти якунлари ҳамда 2007 йилдаги режаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Буломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А. Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Матбуот котиби Ш. Қудратхўжаев, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов ва бошқалар мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ошиб бораётганини айтиб ўтдилар.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат бунёд этиш жараёнини чуқурлаштиришнинг асосий шарти сифатида ОАВ тараққиёти учун демократик тамойилларни жорий этиш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг мустақил ва эркин иш олиб боришини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилаётгани таъкидланди.

Бундан уч йил олдин ташкил этилган Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси фаолияти бу борадаги кенг қўламли ишларнинг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда миллий ассоциация мамлакатимиз ахборот маконидаги саксонга яқин нодавлат теле-, радиостанциялар, кабель телевидениеларига техник ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг касбий малака ва маҳоратини ошириш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Биргина 2006 йилнинг ўзида миллий ассоциация ўн бешдан ортиқ лойиҳани амалга оширди. Улар доирасида оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, нодавлат телерадиоканалларини зарур техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, журналистларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, турли ижодий беллашувлар, кўрик-танловлар, семинар ва анжуманлар ўтказиш каби катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Анжуманда миллий ассоциациянинг 2007 йилга мўлжалланган ривожланиш дастури тасдиқланди. Ушбу дастур нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган йигирма икки ижодий лойиҳани ўз ичига олади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбари А. Орипов сўзга чиқди.

Хабарлар

Навоий вилоят ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги вилоят семинарида республика ва вилоят ОАВ раҳбарлари иштирок этди. Семинар ишини вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуаси котибияти мудири Улуғбек Сатторов очиб, Президент маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, вилоят матбуотини мувофиқлаштириш борасида белгиланган режалар ва олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Холислик — асосий мезон

Бахтиёр ТЕМУР

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Ёркул Умаров республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика семинари ҳақида ахборот бериб, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимида олиб борилаётган ишлар, вилоят ОАВ ходимларининг турли кўрик-танловлари, грант лойиҳаларида иштироки натижаларини маълум қилди. Вилоят бўлимида мавжуд муаммоларга барҳам бериб, янги лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланаётир. Бунинг учун авваломбор бўлимнинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий вилояти филиали раҳбари Холмамат Раупов институт томонидан нодавлатнотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди. Институт раҳбари вилоят журналистларининг кўпгина лойиҳа ишларидаги иштироки кўнгилдагидай эмаслигини қайд этди. Маълумотларга қараганда, ушбу йилда вилоят босма нашрлари 96 минг 400 нусха бўлиб, ўтган йиллардагига нисбатан анча кўпдир.

Семинар иштирокчилари "Ижтимоий ҳимоя йили"да амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими кенгаши фаолиятини жонлаштириш, бўлим бошқарувига хона ажратиш, техника воситалари билан таъминлаш, ахборот-матбуот маркази очиш ва ҳар ойда камида бир марта йиғилиб, соҳани ривожлантиришда ҳамжиҳатликда ишлашга келишиб олдилар.

Давр сусткашликни кечирмайди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ҳузурида бўлиб ўтган семинарнинг кун тартибидаги масала ҳам Президент нутқидан келиб чиқадиган вазифалар мавзусига қаратилди. Йиғилишда оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг муҳаррирлари, вилоят ҳокимлиги ҳамда адлия бошқармаси ва прокуратурасининг вакиллари қатнашдилар.

С. ҚАҲҲОРОВ

Семинар иши анча қизғин кечди. Матбуот саҳифалари ва телекўрсатув дастурларидан ўрин олаётган долзарб мавзулардаги қизиқарли ҳамда таъсирли материаллар қаторида саёз ва рангсиз, талабга бера олмайдиган, дидсиз ва ҳиссиз тайёрланган мақолалар ва кўрсатувлар ҳам ўрин олиб турганлиги эътироф этилди.

Вилоят ҳокимлигининг маданий-маърифий ишлар бўйича ёрдам журналистлар эътиборини ижтимоий ҳаётни кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш, воқеликни тўғри ва атрофлича талқин эта билиш, ечимини кутаётган муаммоларни назардан қочирмаслик масалаларига қаратди.

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Содиқжон Собиров "Мамлакатимиздаги янгиланишларнинг ҳуқуқий асослари", вилоят прокурорининг ёрдамчиси Муроджон Алимов эса "Журналистларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлаш" мавзуларида сўзга чиқдилар. Улар белгиланган мавзулар бўйича чуқур таҳлилий фикру мулоҳазаларни баён қилиш билан бирга, вилоят журналистлари иш тажрибасида учраб турган айрим қусурларга, жумладан, воқеликни акс эттиришда салбий ҳолатларга тўхталиб ўтишди.

Семинар иштирокчилари кун тартибидаги масала бўйича бундай учрашувларнинг афзаллик жиҳатларини эътироф этиш билан бирга, ўзлари учун навбатдаги кечиктирилмас вазифаларни белгилаб олишди.

Диққат марказида — ижтимоий муҳофаза

Раҳматулла ЮСУПОВ

Жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, фуқароларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш борасидаги ислоҳотлар бугун ОАВ ходимлари учун серқирра мавзуга айлангани шубҳасиз. Бинобарин, "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йилда инсон манфаатлари диққат марказига қўйилиши, фуқароларнинг барча қатлами ҳақида ўйлаш энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Жиззахда бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбуот фахрийлари, газета, радио ва телевидение таҳририятларининг вилоят бўйича ўз мухбирлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, халқ таълими, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш, адлия бошқармалари вакиллари, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари иштирок этган семинарда муайян ютуқларга ҳам, мавжуд нуқсонларга ҳам холисона баҳо берилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Неъмат Саидалиев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиалининг раҳбари Равшан Ҳидоятов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси, халқаро "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг ижрочи директори Нодира Каримова ва бошқалар кенг жамоатчилик учун муҳим аҳамиятга молик масалалар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Суҳбат

Мақсадимиз — ОАВнинг эркинлиги ва мустақиллиги

Бундан қарийб бир йил аввал мамлакатимизда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилганди. Ўтган вақт мобайнида бу ташкилот нималарга эришди? Фонд директори Жамолиддин ҲАКИМОВ билан бўлган суҳбатимиз ана шулар ҳақида.

Суҳбатдош:
Фаррух ЖАББОРОВ

— Бирор бир ташаббус билан чиқилганда, одатда нега деган савол берилади. Сиз бошчилик қилаётган фоннднинг ташкил қилиниши борасидаги "нега"ларни етарлича тушуниш учун, аввало, Республикамиздаги ОАВ манзараларини кўз олдимизга келтириб олишимиз лозим.

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ миллий матбуотимиз тараққиёти учун кенг имконият эшиклари очилгани ҳаммамизга маълум. Бош Қомусимиз ва қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари билан ҳамкасбларимизга берилган ана шу имкониятлар ўз ҳуқуқий асосини топди. Табиийки, бу ўз самарасини берди: мамлакат ахборот майдонида ўз ўрнига эга бўлган ахборот агентликлари ва мустақил ОАВ тизими шаклланди, уларнинг кўпчилиги тараққиёт йўлига чиқиб олиб тобора илдамлаб бормоқда. Бугунги кунга келиб республикамизда 700 яқин газета, 200 га яқин журнал, 50 дан зиёд нашриёт, 4 та ахборот агентлиги, бир катор интернет агентликлар фаолият кўрсатаётганлиги «тўртинчи ҳокимият» деб номланувчи соҳа вакилларининг янгиланаётган жамиятимиз ва демократик ислоҳотлар жараёнини амалга ошираётган мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни сезиларли даражада ўсганлигидан далолат беради.

Албатта, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан матбуот нашрлари ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидан четда қолишлари мумкин эмас. Табиий, давр кўзгуси бўлган ОАВнинг биринчи галдаги вазифаси — мамлакатимиз ва жамиятда юз бераётган жараёнларни холис, шу жумладан танқидий ёритиб, улардан аҳолини ўз вақтида бохабар этиб боришдир. ОАВнинг жамият тараққиётидаги бу муҳим ўрни бошқа соҳалар қатори ахборот ва телекоммуникация соҳасида ҳам ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этади ва айни пайтда бу янгиланишлар олиб борилмоқда, миллий ахборот муҳити шаклланмоқда ва бу муҳитда бозор муносабатлари қарор топмоқда.

— Гапларингизни давом эттириб, ахборот истеъмолчиси учун танлаш имконияти кенгайди, дейиш мумкин. Бу эса нашрлар ўртасидаги рақобатни ҳам юзага келтиради. Ҳаёт қонуни шу-да.

— Тўғри айтасиз, энди нашрлар ҳар бир ўқувчи, ҳар бир мухлис учун курашадиган пайт келди ва ўз-ўзидан равшанки, бу майдонда ўз ўрнини сақлаб туришга ҳамма нашр ҳам муваффақ бўла олмайди. Бу синовлар ва рақобатларга бардош беролмай ўз фаолиятини тўхтатган газета-журналлар ҳам оз эмас. Ҳозир фаолият олиб бораётган таҳририятлар ишини кузатарканмиз, шунинг гувоҳи бўламизки, нашрларнинг баъзилари ўз мухлислари қалбидан ўрин топиб, уларнинг сонини кўпайтириб бораётган бўлса, яна бошқалари обуна эвазига аранг кун кечирмоқда. Янгиланишлар жараёни янги йўналишлар, янгича ишлаш ва янгича муносабатларни талаб этади. Табиийки, бу жараёнларда таҳририятлар олдида турган муаммолар, қийинчиликлар оз эмас. Айниқса, кадрлар масаласи, моддий-техник базани мустаҳкамлаш каби муаммолар кўп нашрларни қийин аҳволга солиб қўйди. Миллий матбуот тараққий топиши, янгиланишлар силсиласида илгарилаб бориши учун ҳимояга муҳтож бўлиб қолди. Жамият олдида уларни қай бир жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи юзага келди.

Айни шу масала қатор жамоатчилик ташкилотлари — аввало, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси каби тузилмаларнинг нодавлат, мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишларига олиб келди. Мақсад Ўзбекистонда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик ва стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий техника базасини ва ходимлари салоҳиятини мустаҳкамлаш эди.

Бу ташаббусни давлатимиз раҳбари ҳар томонлама қўллаб-қувватлади ва 2005 йил 16 ноябрда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондини ташкил этиш ҳақидаги ПФ-3680-сонли фармонга имзо чекди.

Давоми 2-бетда.

Суриштирув

Қоринда қолган дока

Шифокорнинг хатоси туфайли у беморнинг ичида 242 кун "яшади"

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" махсус мухбири

"Яхши ният билан тўртинчи фарзандимизни кутаётган эдик. 2006 йил 30 апрель куни турмуш ўртоғим Сантура ҳомиладор бўлганлиги туфайли туман марказий шифохонасининг туғруқхона бўлимига ётқизилади. Уни ўша куни акушер-гнеколог Шавкат Деҳқонов тиббий кўрикдан ўтказади. Шифокор операция қилиб, болани олиб ташлаш керак деб маслаҳат беради. Лекин у бунга рози бўлмайди. Шифокор агар бола жарроҳлик йўли билан олинмаса нобуд бўлиши мумкинлигини айтгач, ноилож рози бўлади. Ва бола жарроҳлик йўли билан олинади. Турмуш ўртоғим туғруқхонада 10 майгача ётиб даволанади. Лекин бир ҳафта ўтса ҳамки, операция қилинган жойдан йиринг оқиб туради. Уйдагилар хавотир олиб операция қилган шифокор Ш. Деҳқоновга кўрсатишади. Унинг маслаҳати билан яна "перевяска"га қатнайди. Лекин негадир йиринг оқиши тинмайди ва Жомбойга, шифокор ҳузурига маслаҳатга келишади. Ҳеч ким аниқ ташхис қўя олмагач, Сантура яна марказий шифохонага ётқизилади. У ерда яна 20 кун ётади, лекин афсуски, фойда бермайди. Чиқмаган жондан умид деганларидек, поликлиника шифокори Суюновга ҳам кўрсатдик. У ҳам ҳеч қандай ёрдам беролмади. Нима қиларимизни билмай уйимизга олиб келдик. Операция қилинган жойдан 2 ой сурункасига йиринг оқиб турди. Жомбойлик шифокорлар кейинчалик тузалиб кетади, дейишгани учун бошқа жойга мурожаат қилмадик. Афсуски, улар ўйлаганидек бўлмади. Сантуранинг аҳволи кундан кунга оғирлаша бошлади. Чидаб туролмасдан уни Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимига олиб бордик. Биринчи учрашган хирург Ғофир Усмонов беморнинг қорнидаги йирингларни тозалаб муолажа қила бошлади. Лекин унинг бу муолажаси ҳам наф бермади. Ўшанда 2006 йилнинг сентябрь ойи эди. Шундан сўнг Сантура яна икки ой уйда бўлди. Ҳеч қанда ўзгариш бўлавермагач, биз уни яна вилоят шифохонасига олиб бордик. Бу гал хирург Толиб Ўсаровга кўрсатдик. Унинг тавсиясига кўра бемор билан Жомбой ва Самарқанд ўртасида 10 кун қатнадик. Лекин Толиб Ўсаровнинг ҳам ташхиси аниқ чиқмади. Натижа бўлмагач, беморни шошилинч хирургия бўлими мудири Ахтамхон Элмудоров кўрди. Шифокор Сантура билан обдон суҳбатлашиб бўлгач, тиббий аппаратура ёрдамида кўрикдан ўтказди. Ва 2006 йил 28 декабрга келиб яна операция столига ётқизилди. Натижада беморнинг қорнини ёриб кўришганида, не тонгки, Жомбойда Шавкат Деҳқонов операция қилган пайтида бир метрга яқин дока қолиб кетган экан.

Хотиним ҳозир даволанишга муҳтож. Моддий аҳволимиз ҳаминқадар. Тўрт нафар фарзандимиз бор. Россиядан ишлаб топган пулларим ҳавога совурилиб кетди. Агар ана шундай ҳол юз бермаганида бунчалик ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрмаган бўлардик. Ўйлаб-ўйлаб "Хуррият" мустақил газетасига ёзишга қарор қилдим".

Жомбой тумани "Ғаровтепа" қишлоғида яшовчи Олим Нурматовнинг бизга йўллаган бу мурожаати билан танишиб, ҳам ҳайратландик, ҳам чин дилдан ачиндик. Тўғри, аскияларда, баъзан ўзаро гурунгларда қоринда қолиб кетган қайчию скапелляр ҳақида эшитгандик. Лекин бир метрлик дока биз учун ҳар қалай янгилик эди. Шу боис ҳам қизиқиб, ҳам ишонқирамай журналист суруштируви ўтказишга ҳаракат қилдик. Дастлаб Жомбой шифохонасининг туғруқхона бўлими шифокори Шавкат Деҳқонов билан телефон орқали боғландик. У кишига мавжуд ҳолатни ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдик. Лекин у киши бизга ҳеч қандай маълумот беришни эп кўрмади.

Керак бўлса барча маълумотларни прокуратура орқали оласизлар, деди. Ва менга бунақа "угроза" қилмаларинг, деб қўшиб ҳам қўйди. Шундан сўнг бош врач Сайфиддин Мўминовнинг қабулхонасига кўп маротаба кўнғироқ қилдик. У киши ҳам биз билан мулоқот қилишни хоҳламадилар, шекилли, қачон кўнғироқ қилмайлик, котиба қиз "катта"нинг ҳокимиятга йиғилишга ёки бошқа жойга кетганлигини айтаверди. Жомбой томонлардан жавоб ололмаслигимизга ақлимиз етганидан кейин Сантурани иккинчи марта операция қилган ва унинг ҳаётини сақлаб қолган шошилинч хирургия бўлими мудири Ахтамжон Элмуродовга учрашдик. У киши бизни беморнинг касаллик варақаси билан танишдирди. Унда ёзилишича: "Бемор Нурматова Сантура Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Самарқанд филиали шошилинч хирургия бўлимида 2006 йил 27 декабрдан 31 декабргача ётиб даволанган. У ётқизилганда асосан қорин олдинги деворидаги йирингли оқма ва қорин чап томонидаги оғрикдан шикоят қилган. 30 апрель куни яшаб турган жойи туғруқхонасида "кессер кесиш операция"си амалга оширилган. Операциядан кейинги даврда қорин олди деворидаги жароҳати битмаган, пастки қисмидан сурункали равишда йирингли суюқлик чиққан. Бир неча бор тери остидан чоклар олинган, лекин жароҳати тўлиқ битмаган... Бемор клиник, лаборатор, рентгенологик ва ултратовуш текширишларидан ўтказилди. 2006 йил 28 декабрь куни умумий оғриқсизлантирилиб, йирингли оқма тешиги катталаштирилиб, қорин бўшлиғининг чап ёнбошидан ёт жисм — дока салфетка олиб ташланди. Унинг катталиги 20 см.га яқин. Операцион жароҳати ва йирингли бўшлиқ дренажланди. Ана шундан сўнг беморнинг умумий аҳволи яхши томонга ўзгариб борди. Оғриқлар камайди, жароҳатдан йиринг чиқиши тўхтади. Ва бемор қониқарли аҳволда амбулатор даволаниш учун яшаб турган жойига жавоб берилди..."

Аниқланишича, Олимжон ҳақ экан. Гарчанд беморнинг касаллик варақасида қориндан чиққан дока 20 см.га яқин дейилган бўлса-да, лекин унинг олинган суратига назар ташлаган киши доканинг 50-55 см эканини илғаши қийин эмас. Сантуранинг иккинчи марта операция қилган шифокор ва ҳамширалар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Неъмат Хўжаев билан юзма-юз суҳбатлашдик. Ва уларга тегишли ҳужжатларни тақдим қилдик. Бошқарма ҳузурида 2007 йил 15 январь куни мутахассислардан иборат махсус комиссия тузилди. Эксперт гуруҳи Жомбойда бўлиб, беморнинг касаллик варақаси билан танишиб, тегишли кишилардан тушунтириш хатлари олган. Қандай хулосага келинишию қандай чора кўрилиши эксперт гуруҳи ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддиларига ҳавола. Уларнинг ишига аралашмоқчи эмасмиз. Биз бор гапни шундайлигича ёздик, холос...

Мулки ва тахти баланд шоир

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ҳирот ва Хуросон мулкининг маънавий устунларидан бири Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳазрат Навоийни илҳомлантирган тўртинчи омил саналади. Нақшбандия тариқатининг кабир шайхларидан саналган Жомийни шоир пир сифатида тан олиб, тасаввуф илмининг сирсиноатини ўрганади. Улуғ пирнинг рағбати, тавсияси, йўл-йўриғи сабаб Навоий "Хамса" ёзишга киришади.

Алишер Навоий адабий-илмий меросини тўрт фаслга ажратиш мумкин. Биринчиси — ҳазрат Навоий тартиб берган девонлари. Шеъриятида Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий ва Абдураҳмон Жомийни устоз билган шоир инсон умрининг тўрт фасли билан боғлиқ 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон — жами 16 жанрдаги асарларини "Хазойин ул-маоний"да тартиб беради.

Иккинчиси — шоир достонлари. Ўзигача бўлган салафларнинг ижод мактаби ва анъанасини изчил ўрганиб, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий бешлигига жавоб тарзда Алишер Навоий туркий тилда 52 минг мисрадан иборат "Хамса"ни битади. Бани башар, борлиқ, табиат, инсон ва жамият, кишиларнинг маънавий-ахлоқий камолоти хусусидаги ҳаётий хулосаларини Навоий беш достон мағзига сингдира олган.

Учинчиси — Навоийнинг форсий тилдаги мероси. У "Фоний" тахаллуси остида девон тартиб берган, қасидалар ёзган.

Тўртинчиси — илмий-филологик, насрий ва тарихий асарлари. Шоир "Мажолис ун-нафоис" тазкираси мажлисларида ўзигача, ўзи билан ҳамнафас бўлиб яшаган туркий ва форсий тилларда ижод қилган шуарога баҳо берса, "Муҳокамат ул-луғатайн"да икки тил муқояси асосида туркий тил жозибасини кўрсата олган. "Тарихи мулуки Ажам"да Эрон подшоҳлари сулоласи тарихи баён этилган бўлса, "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асаридан пайғамбарлар, "Насойим ул муҳаббат" тазкирасидан улуғ авлиёлар, араб, форс ва туркий шайхлар, сўфийлар ҳаёт тарзи тўлиқ ифодасини топган.

Алишер Навоийнинг илмий меросини ўрганиш у яшаган даврдан бошланган. Аммо шоир асарларининг асл моҳияти, ундаги яширинган сир-синоатлар, Навоийнинг ислом дини ва тасаввуф таълимотига муносабати истиқлол шарофати билан янгича шакл ва мазмунда олимларимиз Н. Комилов, Б. Валихўжаев, М. Муҳиддинов, И. Ҳаққул, С. Олим, Р. Воҳидов, М. Имомназаров, В. Раҳмонов, Н. Жумахўжа томонидан тадқиқ қилинди.

Юртбошимиз ташаббуси билан шоир ижодиётини бутун борича таҳлил этиш, ёш авлодга етказиш, барча мафкуралардан холи тарзда ўрганиш борасида ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳримиз марказида шоир номи билан аталувчи Миллий боғ барпо қилинди, 20 томлик мукаммал асарлар тўплами чоп этилди. Бир сўз билан айтганда, бутун умри давомида эли, улуси, бани одамизотга кўпроқ наф-фойда келтиришга интилган ҳазрат Алишер Навоийнинг орзулари рўёбга чиқа бошлади. Унинг тафаккури шууридан нафақат ўзбек халқи, балки дунё ҳамжамияти ҳам кўп йиллар мобайнида баҳраманд бўлади.

Туман газетаси керак

Абдулла МАДИЕВ,
"Оққўрғон овози" газетаси муҳаррири

Ҳаким САТТОРИЙ .."Туман газетаси керакми?" "Hurriyat", 2007 йил 10 январь

Туманда яшайдиган оилага республика, вилоят, туман газетаси кириб борадиган бўлса, албатта, биринчи туман газетаси кўриб чиқилади. Чунки у ердаги одамлар, воқеалар ўзларини яқин ва таниш. Негаки, туманда халқ орасига кенг тарқалган газета бу туман газетаси. Республика, вилоят газеталари 150-200 хонадонга кириб борса, туман газетаси 2-3 минг хонадонга кириб боради. Газетада ёзилган бир ўқитувчининг ҳалол меҳнат фаолияти уни ҳалолликка ундаса, фермер ёки тадбиркорнинг беғараз ҳомийлик ёрдами унинг қалбида меҳр-мурувват уйғотади.

Мафкуранинг эл орасига осонгина сингиб кетган даври бўлмаган. Ҳатто Қуръони карим ҳам қанча-қанча курашлар, ҳаракатлар ҳисобига сингдирилган. Демак, шундай экан биз, туман газетаси журналистлари олдида ўта масъулиятли вазифа турибди: миллий ғоя, миллий мафкурани халқ онгига сингдириш учун журналистик маҳоратнинг ҳамма туридан фойдаланишимиз керак.

Тўғриси, туман газетасида ишлаш осон эмас. Биринчидан, ойлик — маош паст, шунинг учун ходимлар етишмайди. Иккинчидан, жамоа кичкина (5-6 ходим), газетанинг юки эса жуда зарворли.

Жаҳонгир МИРЗО чизган

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мақсадимиз – ОАВнинг эркинлиги ва мустақиллиги

Фонднинг ўз олдига қўйган вазифалари салмоғи анча залворли. Жумладан, босма ОАВ ва ахборот агентликларининг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш, фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, материалларнинг профессионал, ғоявий ва бадиий даражасини оширишга йўналтирилган долзарб лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш фоннинг бирламчи вазифаларидир. Шунингдек, фоннинг устувор йўналишларига халқимизнинг минг йиллик анъаналари, менталитети, шу билан бирга дунё тамаддунининг энг илғор ютуқларини эътиборга олиб, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук билимли, маърифатли ва ватанпарвар қилиб етиштириш, жамият тараққиёти йўлидаги муаммоларни ҳал этишга жон куйдирадиган ва эришилаётган ютуқлардан фахрланиб яшайдиган фуқароларни тарбиялаш жараёнига ижобий таъсирини кучайтириш, журналист ва техник ходимлар малакаси ва ижодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш кабилар ҳам киради.

— Фонд ташкил этилганига бир йилдан ошди. Тўғри, бу тарих олдида арзимас муддат бўлиши мумкин. Бироқ бугунги жадал тараққиёт учун лаҳзалар аҳамиятли. Айтмоқчиманки...

— Бўлди, тушундим. Ўтган бир йил ичида Фонд фақат шаклланибгина қолмай, ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни амалга ошириш йўлида қатор ишларни амалга оширишга ҳам улгурди. Жумладан, йил давомида 20 дан ортиқ турли семинар ва тренинглар ўтказилди. 23 мартда «Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш – жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили» мавзусида ўтказилган республика конференцияси Жамоат фонди томонидан ташкил этилган илк йирик тадбир бўлди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, йирик медиатузилмалар, марказий ва минтақавий матбуот нашрлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва хорижий ОАВ вакиллари – жами 100 дан ортиқ киши иштирок этган анжуманда бугунги кунда матбуот олдида турган долзарб масалалар муҳокамаси билан бир қаторда фоннинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, босма оммавий ахборот воситалари журналистларининг ахлоқ-одоб Кодекси қабул қилиниб, Хартияси ҳам имзоланди. 27-28 сентябрь кунлари ўтказилган «Фуқаролик жамияти қуришда жараёнида ОАВни ривожлантириш ва фаоллаштириш» мавзусидаги медиафорумни алоҳида тилга оламиз. Биз медиафорум учун бу мавзуни бежиз танлаганимиз йўқ. Негаки, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ОАВ тутган мавқе қанчалик юқори эканлиги, улар амалга оширилаётган демократик янгиланишларда биринчи сафда бўлишларини даврнинг ўзи тақозо этиши ҳар биримизга равшан.

— Узр, Жамолиддин ака, бугунги ўқувчини тадбирлардан кўра рақамлар, статистика кўпроқ қизиқтиради. Мазкур Жамоат фонди ҳақида гапирилса, кўпчиликнинг кўз ўнгига турли грант танловлари келади.

— Бу табиий, чунки фаолият дастуримизда грант танловлари алоҳида ўрин тутади. 2006 йил мобайнида икки босқичда 44 та матбуот ва интернет нашрлари фондимиз грант танловларининг ғолиби бўлишди. Грантларнинг умумий миқдори 130 миллион сўмдан зиёд маблағни ташкил этди. Эндиликда мамлакатимизнинг турли мулкчилик шаклларига эга бўлган босма ва интернет нашрлари Фоннинг грант олувчилари ҳисобланишади. Грантлар бир йил муддатга ажратилади. Унинг ҳажми Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 300 баробарига тенг. Грант олувчиларга белгиланган маблағ ҳисобига Фонд томонидан компьютер, принтер, сканер, рақамли фотоаппарат, диктофон ва бошқа зарур техника воситалари ажратилди.

Фонд грант олувчилари томонидан ҳозирги кунда лойиҳаларни амалга ошириш доирасида мунтазам равишда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини ёритишга, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий онгини оширишга, уларнинг фуқаролик позицияларини шакллантиришга ҳамда мамлакатимизнинг ахборот муҳитидаги миллий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган 20 га яқин йўналишлар бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш давомида умумий адади қарийб 19 миллион нусхани ташкил этувчи 2000 дан ортиқ ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланиб чоп этилади. Албатта, шу ўринда асосий мақсад бу материаллардан кутилаётган самара эканлигини қайд этмоқчимиз.

— Грант олувчилар ўз лойиҳаларини муваффақият билан амалга оширмоқда, дея оласизми? Қайси ОАВни намунали «грантчи» сифатида эслаб ўтиш мумкин?

— «Диёнат» газетаси (бош муҳаррир Ш.Деҳқонов) «Халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, маънавий-маърифий қадриятлари диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг муҳим омили» мавзусидаги лойиҳа доирасида тайёрлаётган материаллари диққатга сазовор. Жумладан, газетанинг 2007 йил 4 январь сонида лойиҳа доирасида чоп этилган махсус мухбир М. Султонқуловнинг «Камолот»чига номалар» сарлавҳали мақоласини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. Содда ва жонли тилда ёзилган бу таъсирчан мақолада экстремизмнинг қабоҳатлари, унинг ислом дини ғоя ва мақсадларига зидлиги, халқимизга етказган зарарлари ҳақида аниқ, ҳаётий мисоллар келтирилиб, ёшларни унинг таъсирига берилмасликка даъват этилади. Фикримизча, мана шундай мақолалар ҳаётга энди кириб келаётган ёш авлодни турли зарарли оқимлардан асрайди, уларни тўғри йўлга бошлайди. Бу мақолага қизиқиб қолган юртдошларимиз уни Фонд **(www.mmf.uz)** сайтининг «Грант олувчилар тажриба алмашуви» рукнида ҳам ўқишлари мумкин.

Фурсати келганда айтиб ўтай, грант олувчилар босма нашрларда чоп этаётган материаллар мазкур нашрларнинг лойиҳани амалга ошириш давомида яратилаётган веб-саҳифаларига ҳам жойлаштириб борилянти. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилаётган янгиланишларни ўз вақтида хориждаги ўқувчиларимизга холисона етказишга ўз ҳиссасини қўшяпти деган умиддамиз.

— Табиий, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари матбуотга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Зеро, мустақил ривожланиш осон кечмаслиги ҳам равшан. Бунинг оқибатида кўпгина нашрлар қийин аҳволга тушиб қолди.

— Жамоат фонди бу борада ҳам ишлар олиб бораётир. Босма ОАВни қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, матбуот нашрларида ижтимоий аҳамиятга молик материалларни кўпайтириш, соҳа вакилларининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида «Энг яхши бизнес-режа» танлови ўтказилди. Ҳудудий матбуот нашрларидан иборат 15 та ғолибнинг ҳар бирига 10 миллион сўмгача молиявий ёрдам кўрсатилди. Бундан мақсад — таҳририятларнинг фақатгина иқтисодий, моддий-техник аҳволини яхшилашгина эмас. Бу грант мамлакат ахборий ҳудудида етакчи иқтисодий мустақил матбуот нашрлари юзага келишига замин ҳозирлайди, деб ўйлаймиз.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг фаол иштирокига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўрганяпмиз. Шу мақсадда бир қатор семинар ва тренинглар ўтказилди. Жумладан, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Ҳудудий босма ОАВлар муаммолари ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида республикамиз вилоятлари бўйлаб туркум сайёр семинарлар ташкил қилинди. Семинарларда вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-сиёсий, тармоқ, партия ва мустақил матбуот нашрлари, ахборот агентликларининг бош муҳаррирлари ва вакиллари, шунингдек, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар вакиллари иштирок этишди. Тадбирда ҳудудий ОАВ вакиллари билан журналистика соҳасидаги экспертларнинг ўзаро фикр алмашувлари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари томонидан ҳудудий босма ОАВ ривожига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Вилоятлар бўйлаб ўтказилган бу семинарлар минтақавий босма нашрлар билан яқиндан танишиш имконини берди ва кўплаб ОАВ мушкул аҳволга тушиб қолганлигининг объектив ва субъектив сабабларини намоён этди. Бу сабаблар ҳақида сўз бораркан, аввало, маҳаллий ҳокимликлар муассислигидаги босма нашрларни ўз ҳолига ташлаб қўйилаётганлиги, улар олдидаги ўз бурч-вазифаларига масъулиятсизлик билан қаралаётганлик ҳолларини айтиб ўтмоқчимиз. Бунинг оқибатида нашрларнинг иқтисодий аҳволи мушкуллашган, моддий-техник таъминоти паст даражага тушиб кетган. Табиийки, бу эса таҳририятлардаги кадрлар тақчиллигини келтириб чиқаради. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири – аксарият таҳририятлар ва, айниқса, раҳбарларининг боқимандалик кайфиятига тушиб қолгани. Бундай раҳбарлар бугунги эмас, кечаги кун меъёр, мезонлари билан яшамоқдалар. Шу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, агар эътибор бергансанг, Юртбошимиз турли анжуман ва тадбирларда албатта мамлакатимиз ОАВ ва журналистлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтади. Айнан юқоридаги салбий ҳолатлар бўйича Юртбошимиз айтган сўзларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: «Бугун биз янги ҳаёт, демократик кадриятлар сари қадам қўяр эканмиз, ҳаётнинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган баъзи муносабатларни тубдан ўзгартиришга, янгича фикрлашга даъват этаётганини англаб олишимиз керак. Содда қилиб айтганда, бугун замон биз ўрганиб, одатланиб қолган, оёғимизга кишан бўлиб турган айрим ёндашув ва қарашлардан воз кечишни талаб қилмоқда».

— Иккита факультетда журналист кадрлар тайёрланаётганига қарамай, Республикамизда бу соҳада фаолият юритадиган кадрлар тақчиллиги ҳамон ечимини кутаётган бош масалалардан бири бўлиб турибди. Юқорида сиз бу муаммо ҳам Фонд эътиборида эканлигини айтиб ўтдингиз.

— Ҳа, биз бу борада ҳам ишлар олиб боряпмиз. «Андижоннома», «Зарафшон» ва «Қашқадарё» газеталари таҳририятларида махсус марказлар ташкил этилди. Уларда ҳудудий журналист кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш кўзда тутилган. Марказларнинг асосий мақсади таҳририятларда фаолият кўрсатадиган журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касбий маҳорати, турли босма ОАВ журналистлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, мамлакатимиз ва хорижий журналистиканинг илғор тажрибаларини ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш каби мақсадларга йўналтирилган. Ушбу лойиҳаларнинг молиявий сметаси 30 млн сўмни ташкил этди. Келгусида Фонд томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ҳам худди шундай марказлар очиш режалаштирилган.

Бундан ташқари ёш журналистларнинг тажрибаларини ошириш мақсадида Фонд томонидан журналистика факультетлари талабалари учун «ижодий устахона»лар ташкил этиш масалалари кун тартибида турибди. «Ижодий устахона»лар босма ОАВ таҳририятлари қошида йўлга қўйилиб, амалий машғулотларга журналистика факультетларининг 2-3 босқич талабалари жалб этилиши назарда тутилган.

— Глобаллашув жараёни ўзининг ҳадсиз-ҳудудсиз интернет деган оммавий ахборот воситасини вужудга келтирди. Давримизни, хусусан, замонавий ахборий тизимни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Суҳбатимиз давомида Фонд томонидан бу соҳага ҳам эътибор қаратилаётганига ишоралар бўлди. Энди батафсил тўхталсак. Бу йўналишда ҳам грантлар ажратилдими?

— Босма ва интернет нашрларда, ахборот агентликларда фаолият кўрсатаётган журналистларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида, мамлакатимиз матбуот ва интернет нашрлари журналистлари ўртасида «Жамият ва Мен», «Менинг Конституциям» ҳамда матбуот ва интернет нашрлари ва ахборот агентликлари таҳририятлари учун «Эътироф» кўрик-танловларини ташкиллаштирдик. Шу билан бирга, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг янада кенг миқёсда ўтказилишини таъминлаш, республиканинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ёш иқтидор эгаларини чорлаш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида танлов эълон қилди. Икки босқичда бўлиб ўтган танловда республиканинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган босма ва интернет нашрларнинг журналистлари фаол қатнашишди.

Фонд мамлакатимизда интернет журналистикасини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг ахборот соҳасидаги миллий манфаатлари ҳимоясига бағишланган материалларни кўпайтириш мақсадида бир қатор интернет нашрларга 20 млн сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатди. Жумладан Фонд кўмагида «Класс», «Тонг юлдузи», «Гулхан», «Ғунча» болалар матбуот нашрларининг веб-сайтлари яратилгани ҳам бу нашрлар фаолияти ривожланиши учун ўзига хос бир ёрдам бўлди. Бугунги кунга келиб Фоннинг 32 нафар грант олувчилари веб-саҳифаси миллий интернет тизимини шакллантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда...

— Янги йилнинг бошидаёқ грант танловлари эълон қилинди. Фоннинг 2007 йилга белгиланган иш режалари ҳам талайгина кўринади?

— Ҳа. Бу йилги танловларнинг устувор мавзуларига келсак, табиий, улар орасида ижтимоий ҳимоя мавзуси алоҳида ўрин тутади. Фоннинг **(www.mmf.uz)** сайтига кириб у томонидан ўтказилган барча тадбирлар ва танловлар, унинг ҳамкорлари ва грант олувчилари тўғрисида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Фонд фаолиятининг асосий йўналишларидан бири турли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликка асосланган. Жумладан ҳозирга қадар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Бу йўналишда ишлар давом этади. Яна қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва улар билан биргаликда матбуот ривожига, журналистларнинг касбий маҳорати ва малакаси ошишига хизмат қилувчи тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Дараклар

Саудия подшоҳи фаластинликларни бирликка чақирди

Саудия Арабистони подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими Абдуллоҳ бин Абдулазиз Фаластин раҳбарларини ички ихтилофни зудлик билан бартараф этишга чорлади. Саудия етакчиси бирадаркушлик урушини тўхтатиш зарурлигини таъкидлар экан, ХАМАС ва ФАТҲ ҳаракати раҳбарларига муқаддас шаҳар — Маккаи Мукаррамада музокаралар ўтказишни таклиф қилган.

Хабарингиз бор, Фаластин ҳукумати тепасига Исмоил Хония бошчилигидаги ХАМАС ҳаракати келганидан кейин Маҳмуд Аббос етакчилигидаги ФАТҲ ташкилоти билан зиддиятлар кучайиб кетди. Сиёсий ихтилофдан қуролли тўқнашувга айланиб кетган ички зиддият туфайли ҳар куни ўнлаб бегуноҳ одам қони тўкилмоқда.

Саудия подшоҳи Абдуллоҳ бин Абдулазиз бу ҳолатни ислом дини қадриятларига зид эканини таъкидлади ва Фаластин етакчиларини бирдамлик ҳамда бирадарликка даъват қилди. Икки муқаддас масжид ходимининг таклифи ХАМАС ва ФАТҲ ҳаракатлари томонидан ижобий қабул қилинди.

Хусусан, Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Ар-Риёд ташаббусини расман қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида ХАМАС ҳаракати сиёсий қаноти раҳбари Холид Машал, Фаластин бош вазирининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси доктор Аҳмад Юсуф ҳам Саудия Арабистони подшоҳининг таклифини олқишлаган.

Яқин кунларда Фаластиндаги икки йирик сиёсий ҳаракат — ФАТҲ ва ХАМАС вакиллари ўртасида Маккаи Мукаррама шаҳрида ихтилофларни бартараф этиш ва коалицион ҳукумат тузиш масаласида музокаралар ўтказилиши кутилмоқда.

Жорж Буш Конгрессдан қўшимча маблағ сўради

АҚШ президенти Жорж Буш мамлакат бюджетидан Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий амалиётлар учун қўшимча 100 миллиард доллар маблағ олиш тараддудида.

Америка мудофаа вазирлигининг бу ҳақдаги сўрови душанба куни мамлакат парламентига тақдим этилган. Агар АҚШ Конгресси Жорж Буш маъмуриятининг сўровини ижобий баҳоласа, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар учун Қўшма Штатлар жорий йилда 170 миллиард доллар сарфлайди. Мамлакат ҳисоб палатаси маълумотига кўра, икки мамлакатда ҳарбий операциялар бошланганидан буён Конгресс 500 миллиард доллардан ошиқроқ маблағ ажратган.

Сайёҳми ё жосус?

Англиялик сайёҳ Дэниэль Робинсон Ҳиндистонда жосус сифатида қамоққа олинди. Бу ҳақда Британиянинг The Sunday Times газетаси хабар беради.

Ҳимолай тоғларида очлик ва ташналикдан қийналган инглиз сайҳатчиси яқин-ўртада ҳинд ҳарбий базасига ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ҳиндистон ҳарбийлари дастлаб уни яхши қабул қилишган. Бироқ кўп ўтмай, Дэниэль Робинсон жосусликда гумон қилиниб ҳибсга олинган. Суд уни 1,5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Робинсон ҳибсга олингунга қадар Хитойнинг Яннань музофотидан Непал пойтахтига қадар олиб борадиган жуда узоқ йўлни 200 кун давомида пиёда босиб ўтган.

Робита

11 февраль — Эрон Ислом Республикасининг миллий байрами. 1979 йилнинг шу санасида мамлакатда монархия тузумига хотима ясаган инқилоб рўй берди. Мамлакатнинг маънавий раҳнамоси Оятулло Хумайний бошчилигида Эрон янги ривожланиш даврига қадам қўйди, замонавий давлатчиликка асос солди.

С. КАМОЛОВ

Эрон: маданиятлар чорраҳаси

Эрон кўп минг йиллик тарихга эга бўлган қадимги маданият марказларидан биридир. Мамлакат ҳудудида ташкил этилган Форс давлати жуда узоқ йиллар дунё сиёсатида муҳим ўрин тутиб келган.

Муҳим савдо ва транспорт йўллари кесишган нуқтада жойлашган Эрон ҳамма даврларда ҳам халқаро муносабатлар марказида бўлиб келган. Ҳозир ҳам Ғарб ва Шарқ цивилизациялари ўзаро кесишган мамлакат жаҳон сиёсатида ўз овозига эга бўлиш йўлида курашмоқда.

Эрон — аграр-индустриал давлат. Анъанавий қишлоқ хўжалиги тараққий этган мамлакат тўқимачилик, машинасозлик, нефтни қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқларига ҳам эга. Эрон дунё «қора олтин» заҳирасининг 10 фоиздан ошиқроғига эгалик қилади. Ушбу стратегик бойлик экспорти бўйича эса мамлакат дунёда 4-ўринда туради. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатнинг аниқланган нефть ресурслари 132 миллиард баррелни ташкил этади.



Эрон жуда катта табиий газ заҳирасига ҳам эга: мамлакатнинг аниқланган газ ресурслари жаҳон миқёсида 16 фоизни ташкил этади (Эрон табиий газ заҳираси бўйича фақатгина Россиядан кейинги ўринда туради). Мамлакат раҳбариятининг режасига кўра, 2010 йилга бориб, Эроннинг йиллик табиий газ қазиб олиш кўрсаткичи 290 млрд. кубометрга етади. Шу тариқа мамлакат ўз табиий бойликларини Европа Иттифоқи давлатларига қадар сотишга эришади.

Эроннинг муҳим стратегик табиий ресурсларга бойлиги, ўта қулай савдо ва транспорт йўлагида жойлашгани, шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий саноатга эга экани мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўп асрлик тарихий илдизга эга. Бугунги кунда ана шу тарихий асос замирида мамлакатлар ўртасида кўп томонлама алоқалар ривожланиб бормоқда. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги савдо айланмаси ўтган 2006 йилнинг 9 ойида 450 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турли асбоб-ускуналар экспорти билан боғлиқ савдо муносабатлари кенгайиб боряпти.

Айни пайтда Ўзбекистонда Эрон билан ҳамкорликда ташкил этилган 74 қўшма корхона иш олиб бормоқда. Булардан 9 таси тўла Эрон сармояси асосида фаолият юритмоқда. Юртимизда Эроннинг 16 та компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Эрон Ислом Республикаси

Пойтахти: Теҳрон
Аҳолиси: 68,5 миллион (БМТ, 2006)
Ҳудуди: 1,65 миллион кв. км
Давлат тили: форс
Пул бирлиги: риал
Асосий экспорт маҳсулотлари: нефть ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, рангли металлар, ҳунармандчилик буюмлари
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад: 2270 доллар (Жаҳон банки, 2006)

Нигоҳ

Миграция: яшаш учун кураш

Аҳоли миграцияси янги минг йиллик бошида ўзгача қиёфа касб этмоқда. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 3 фоизи (200 млн. киши) туғилиб ўсган юртини тарк этиб, иқтисодий аҳволи яхши бўлган давлатларга кўчиб ўтган. Бу кўчишлар халқаро меҳнат тақсимотидаги нотенглик, мамлакатлардаги зиддиятлар, ишсизлик, нотинчлик ва шу каби кўплаб омиллар билан боғлиқ. Европада Буюк Британия, Франция ва Германия, Осиёда Саудия Арабистони, Покистон, Гонконг каби давлатлар ҳозирги кунда мигрантларни энг кўп қабул қилаётган мамлакатлар саналади.

Нурали ШОДИЕВ

Қадимда аҳоли кўчишлари эркин ва беқарор бўлган, кейинчалик эса маълум бир мақсадлар ёки сиёсий манфаатлар таъсирида рўй берган. Бироқ бу омиллар кўп жабҳаларда бурилишлар ясаса-да, умуминсоний қадриятлар, маданиятларга дахли йўқ эди. Кейинги ўн йилликларда одамларнинг ўзга ўлкаларда кўним топиши ва меҳнат қилиши мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий аҳволига таъсир этибгина қолмай, башарият ҳаётида янгича цивилизациялар, маданий босқичларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Миграция ҳар бир даврда турлича аҳамият касб этган, у айрим жамиятларда муаммолар туғдирса, баъзиларида ижобий самара берган. Масалан, XIX асрда Англияни иқтисодий таназзулдан асраб қолган уч омилдан бири аҳолининг оммавий эмиграцияси эди. Японияннинг ривожланишига жадаллик киритган нарса ўтиш давридаги четга чиқиб кетган фуқароларнинг катта ҳаётий тажриба, мол-мулк ва қимматбаҳо бойликлар билан қайтиши бўлган.

Ташқи ишчи кучи миграцияси халқаро иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин тутиб, аввало, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлар сони қисқариши, хорижий мамлакатлардан валюта келишини таъминлаган. Бу эса, табиийки, мазкур мамлакатнинг миллий даромади ўсишига таъсир этади.

Халқаро миграция ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, хорижда ишлаётган ҳар бир ишчи ўз мамлакатига йилига ўртача 2-10 минг АҚШ доллари олиб келади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг даромади расмий эълон қилинган маълумотдан икки марта кўпдир, чунки мигрантлар ўзлари билан жамғарилган пул, техника ва асбоб-ускуналар ҳам олиб келишади.

Қадимги кўчишлар

Айтиш жоизки, кишилик жамиятининг барча даврларида миграция рўй берган. Европа ва Осиёда кўп халқларнинг таркиб топишига таъсир кўрсатган йирик аҳоли миграцияси ўрта асрларнинг бошларига тўғри келди. Айниқса, XV-XVI асрларда аҳолининг кўчиши жуда авж олди. Янги қитъа — Америкага Европадан кўчиб борувчилар сони борган сари кўпайди: дастлаб у ерга испанлар ва португаллар, сўнгра французлар, голландлар, инглизлар, шотландияликлар ва бошқа миллат вакиллари боришган.

"Яшаш учун қулай жой қидириш" — миграция жараёни Россия тарихида ҳам кўп бўлган. 1861-1914 йиллар мобайнида мамлакатнинг Европа қисмидан 5 миллиондан ортиқ аҳоли кўчиб келди. Натижада шаҳарларда яшовчилар 1911 йилда жами мамлакат аҳолисининг 6 фоизини ташкил этган бўлса, 1913 йили 18 фоизга етди. Ўша вақтда четдан келганлар Тошкентда 17 фоизни, Самарқандда 21 фоизни, Бокуда эса 64, Олмаотада 53 фоизни ташкил қилган. Шунинг таъсирида Ўрта Осиёдаги ҳамма эски шаҳарлар бикинида "йўлдош" шаҳарлар бунёд бўлган. Шунингдек, темир йўл ёқаларида, ҳатто айрим қишлоқларда аҳоли яшайдиган қўрғончалар пайдо бўлди. Авлиёота, Чимкент, Тошкент, Самарқанд, Фарғонада 1865-1910 йиллар мобайнида 68 та ана шундай қўрғонча ташкил топди. Бу даврда Марказий Осиёдаги аҳоли миграцияси чор Россиясининг сиёсий, иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқ эди.

Ён дафтарга

Миграция — *аҳолининг турли сабаблар билан яшаш жойини доимий ёки вақтинчалик ўзгартириш мақсадида ҳудудлараро ҳаракатланиши.*

Эмиграция — *маълум давлатдан бошқа ҳудудга чиқиб кетиш.*

Иммиграция — *маълум давлатга бошқа ҳудудлардан кириб келиш.*

Бурилишлар омили

Миграция тарихи кўплаб бурилишлар ва эврилишларга бой. Иккинчи жаҳон уруши даврида турли сабабларга кўра фуқароларининг муайян қисмини йўқотган мамлакатлар урушдан кейин ўз аҳолисини миллий жиҳатдан яхлитлаш тадбирини кўрди. Шунинг натижасида ўзга мамлакатларда яшаган 12 миллион немис, Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикасидан 6 миллион япон, турли жойларда яшаётган бир миллион яҳудий ўз ватанига қайтди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимда ҳам, яқин юз йилликларда ҳам миграция бизнинг давримиздагидек салмоқли аҳамият касб этмаган. Улар шу пайтгача давлатларнинг тараққиётига, ижтимоий, сиёсий фаолиятига, фан-техника ютуқларига таъсир этиб келган бўлса, ҳозирда умумбашарий маданиятларнинг истиқболига ҳам таҳдид солаётир, маданиятлар тўқнашуви юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Аввал "маданият" тушунчаси муайян ҳудудларга сиёсий чегараларга боғлиқ ҳолда тушунилган бўлса, эндиликда бу тушунча ҳудудий аҳамият касб этмай қолди. Бугун турк маданиятини мамлакат чегаралари билан белгилаб бўлмайди. Чунки Берлин аҳолисининг катта қисми турк маданияти вакиллари. Қолаверса, бугун оддий ҳол ҳисобланувчи ярим умрини Мексикада, ярим умрини АҚШда ўтказадиган ишчиларнинг маданиятини қандай тушуниш керак?

БМТ маълумотларига кўра, 1995 йилда 125 миллион киши ўзга мамлакатларда яшаган. Ўша пайтда яширин эмигрантларнинг сони 30 миллион киши атрофида бўлган. Бугун эса бу рақамлар анча ортиб кетди. Аҳолининг бундай суръатда кўчиб юриши цивилизацияларга бевосита таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнда эса барча мамлакатлар ўз миллийлигини асраш учун зарурий чора-тадбирларни кўриши зарур. Чунки миграциялар таъсирида тилга, миллий маданиятга эътиборнинг сусайиши миллат ва миллий ғурурга таъсир ўтказиши ҳам сир эмас. Бу ҳолат тарихда ҳам ўз исботини топган.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Нашр

Саралланган сатрлар

«Ўзбекисттон матбуоти» журналининг янги сони нашрдан чиқди. Қуйида журнал саҳифаларидан саралланган сатрларни ўқишингиз мумкин.

Оила — Ватан таянчи

Оила — ҳар қандай жамиятнинг асосий бўғини. Инсоннинг феъл-атвори, одамийлик ҳис-туйғулари, аввало, оилада шаклланади. Халқимиз "Қуш уясида кўрганини қилади" деб бежиз айтмаган. Бола туғилгандан бошлаб оила муҳитида яшайди, шаклланади. Миллатимизга хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар уларга кичик ёшидан сингдирилади. Энг асосийси, фарзандлар оила муҳитида жамият талабларини англай бошлайдилар.

Сурайё АҲМЕДОВА

Ахборот асри ва информацион хуружлар

Информацион урушнинг моҳияти шундаки, у якуний мақсад эмас, балки якуний мақсадга эришиш йўлидаги воситадир. Ҳозирги технологиялар ахборот ўрнига уйдирма тарқатиш, бошқаларни ёлғон ахборотга ишонтириш имконини беради. Бунда уйдирма объекти ёлғонни ҳақиқат деб билади ва охир-оқибат ёлғон тарқатаётган томоннинг манфаатларига мос ҳаракат қила бошлайди. Кундалик ҳаётда учрайдиган фитна ва бўҳтонлар ҳам информацион урушнинг содда кўринишларидир.

Анвар БОБОЕВ

Чустдаги боғкўча

...БОҒКЎЧА бўйлаб хаёллар оғушида кетяпман-у, беихтиёр мана шу йўл бўйида кечган бир ҳодиса кўз олдимда гавдаланиб кетди, ўшанда одатдагидек уч киши бўлиб (ҳозир орамизда Раҳматилла ака йўқ, жойлари жаннатда бўлсин!) Тошкент йўналишидан Чуст томон кириб борарканмиз, олтиндай сарғайиб ҳосилга бурканган ўрикларга кўзимиз тушди...

Дадахон НУРИЙ

"Фикр агар яхши тарбия топса..."

Муаллиф европача таҳсил олган, шарқона тарбияни мукаммал эгалламаган ёшларни қоралайди. Унинг фикрича, "Бошларига Европа қалпоғини киюб, "Маданият!" "Маданият!", деб оғзиларини кўпуртуруб, оз-моз мусулмонча, чала-ярим русча сўзлашмак" инсонлик шаънига мос келмайдиган қуруқ тақлиддан бошқа нарса эмас. Аслида ҳам на анъаналарни, на хориж маданиятини мукаммал эгалламаган бундай чаласаводлар жамият учун хатарлидир.

Адиба ДАВЛАТОВА

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади

Сайёрамизни сақлай оламизми?

Жамият тараққий этган сари инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар тобора мураккаблашиб бормоқда. Дунёда янги муаммолар вужудга келиб, улар инсониятни жиддий ўйлашга мажбур қилмоқда. Демографик, экологик, геосиёсий муаммолар шулар жумласидандир.

Дурдона АЛИМОВА

Кўнгилсиз ҳолатларнинг юз беришига кўпинча инсоннинг табиатга унинг қонунларини ҳисобга олмасдан таъсир кўрсатиши сабаб бўлади. Буларнинг олдини олиш ва табиий ҳодисалар оқибатини бартараф этиш йўлида илмий асослар ишлаб чиқиш, зарур стратегия қўллаш бугунги куннинг долзарб талабларидан бирига айланди. Шунингдек, экологик муаммолар маълум давлат ёки соҳагагина тегишли бўлиб қолмай, умум эътироф этиши керак бўлган масала бўлгани учун ҳам бу борада учинчи секторнинг ўрни катта.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланишни асосий мақсадига айлантирган "Планета" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти 3 йилдан бери сайёрамизни асраш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ташкилот турли экологик вазиятлар бўйича 6 та лойиҳа ишлаб чиққан. Лойиҳалар Сарез кўлининг очилиб кетиш хавфини камайтириш, ёшлар орасида ОИТСнинг олдини олиш, Қизилқумдаги сув танқис бўлган турар жойларда кичик суғориш тизимларини жорий этиш, шаҳар транспортидан чиқаётган зарарли тутунларни камайтириш, қишлоқларда тоза энергетика ускуналарини ўрнатиш, иқтидорли ўқувчилар учун ёзги илмий мактаб фаолиятини йўлга қўйиш ишларидан иборат.

Лойиҳалар мазмунидан кўриниб турибдики, "Планета" ХННТ экологик вазиятни яхшилашдан ташқари соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, инсонларнинг муносиб шароитда яшашларига замин тайёрлаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш вазифаларини ҳам асосий мақсадга айлантирган. Сўзимизнинг исботи тариқасида лицей ва коллежлардаги "Планета" ёшлар қаноти, ёшларни бошланғич ҳарбий синовларга тайёрловчи спорт секциясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳозир дунёнинг кўплаб мамлакатларида табиий геологик жараёнлар, масалан, тоғ жинсларининг емирилиши, зилзила, вулқон, сел, кўчки ва турли атмосфера ҳодисалари кузатилмоқда. 1911 йили Бадахшонда юз берган кучли зилзила туфайли Мурғоб водийси ён бағирларида тоғ ўпирилиб кетган. Кўчки Мурғоб дарёсини бутунлай тўсиб қўйган ва натижада жаҳонда энг йирик тоғ кўли ҳосил бўлган. Сарез кўлининг кўп миқдордаги сувга тўлиши ва сувнинг тош-тупроқ тўғоннинг ҳар еридан сизиб чиқиши оқибатида атрофда бошқа кўллар ҳам ҳосил бўляпти. Бу масала бўйича экспедиция ва тадқиқотлар ўтказилди, зилзилалар туфайли ҳосил бўлган кўллар очилиб кетиш хавфи ўрганилди. Маълум бўлишича, Сарез кўли Амударёнинг қуйи қисмида яшайдиган шаҳар аҳли хавфсизлигига катта таҳдид солади. Мазкур муаммо юзасидан бир қанча лойиҳаларни амалга ошириб келаётган "Планета" ХННТ сув тошқини олдини олиш борасида икки ғояни илгари сурмоқда. Биринчи ғоя сув юзасида сузиб юриб ишловчи насос станциялари қуриб, кўл сувини улкан қувурлар орқали тўғон ортидаги дарёга оқизиш бўлса, иккинчи таклиф кўлнинг ён-атрофида туннеллар қуриб, сувни оқизишдан иборат.

Ҳозирги кунда саноат корхоналари кўпайиб борар экан, уларда хавфсиз иш шароитини вужудга келтириш ҳам жиддий масала бўлиб қолмоқда. Аввало, бундай корхоналарни қайси ҳудудда жойлаштиришга эътибор қаратиш зарур. Бунда корхонанинг қандай хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқариши ва атроф-муҳитга қандай чиқиндилар ташлаши аниқланади. Жой аҳоли манзилгоҳларидан олинса, корхонани шамол йўналишига тескари ҳудудга жойлаштириш керак. Буларни назорат қилиш мақсадида "Планета" завод, фабрика, шунингдек, шифохоналарда ҳам вакилликларини ташкил этган. Зеро, ҳозирда саноат корхоналаридан атмосферага чиқарилаётган чанг ҳавони ифлослаши оқибатида Ер юзасидаги ўртача ҳарорат ортиб бормоқда.

"Планета" ташкилоти ўз мақсадларини амалга оширишда кўплаб нуфузли ташкилотлар, жумладан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Гидрометеорология хизмати билан ҳамкорлик ўрнатган. Лойиҳаларни тайёрлашда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бир қанча илм даргоҳлари ҳам ҳамкорликка қўшилган. Нодавлат нотижорат ташкилотининг юқорида санаб ўтилган кўплаб хайрли мақсадлари қаторига юртимизнинг халқаро хамжамиятдаги нуфузини ошириш ҳамда турли миллатлар орасида ҳамжиҳатликни тарғиб этишни ҳам қўшиш мумкин.

Ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораётган "Планета" ХННТ яқин келажакда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари Москва ва Нижний Новгородда ҳам ўз ваколатхоналарини очишни режалаштирмоқда.

ННТ.....

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

Обида

Шаҳар дарвозадан бошланади

Шаҳарсозликнинг шаклланишида қалъа дарвозалари, деворлари муҳим ўрин тутган. Дарвоза ва миноралар шаҳар қалъасига боғланмасдан, алоҳида бирор бир тантанали воқеа ёки ҳодисага бағишланиб, монументал ёдгорлик сифатида қурилган. "Зафар тоқлари" бунга мисол бўла олади. Булар ҳарбий юришдаги саркардаларнинг ғалабаси шарафига бунёд этилиб, ёдгорлик тусини олган (жумладан, қадимги Юнонистоннинг Тиринф шаҳридаги уч дарвозали Акропол).

Дилшода СУЛТОНОВА,
архитектура фанлари номзоди, доцент

Рамзий дарвозаларнинг тараққиёти тарихи дастлаб ибтидоий қулдорлик ҳамда феодал жамиятларга тўғри келади. Рамзий дарвозаларнинг асосий вазифаси — шаҳарнинг ҳудудий чегаралари, яъни шаҳарга "кириш" ва "чиқиш" белгилари бўлиб хизмат қилишдир. Ўз навбатида дарвозалар муайян шаҳарнинг меъморий анъаналарини ўзида мужассам этиши лозим. Шаҳар йўлларини сув ҳавзаси ва транспорт йўли кесиб ўтадиган жойларда эса кўприк бу вазифани адо этган.

> ***"Дунёда нимаики истасанг, шу йўлдан топасан".***
> (Хўжа Ахрор Валий ёдгорлиги дарвозасидаги битикдан)

Ўрта Осиё меъморчилиги тарихида эса шаҳар дарвозалари ўзида "рамзийлик" касб этмаган, балки мудофаа ва ҳимоя вазифасини бажарган. Ўтмишда ҳар бир шаҳар ўзининг махсус дарвозаларига эга бўлган. Халқимизда "Шаҳар бедарвоза эмас" деган мақолнинг айтилиши ҳам бежизга эмас, албатта. Ўрта Осиё хонликлари даврида шаҳар, қалъа ва хон саройлари осойишталигини таъминлашни идора этувчи мансабдор шахс — "дарвозабеги" дейилган. Дарвозаларни махсус лавозимдаги соқчи — "дарвозабон" қўриқлаган. Ўтмишда дарвоза тинчлик ва осойишталик рамзи ҳисобланганлиги боис, ҳар бир шаҳар, қалъа дарвозаларида халқимизнинг ўтмиш, кечмиш тарихи, анъанавий меъморчилиги — хуллас, маданияти уйғунлашган. Самарқандни ана шундай маданиятнинг маркази десак муболаға бўлмайди. Шаҳар ҳудудида қадимда Омонқўтон, Тахтиқорача, Оқсой, Илонлисой каби палеолит даври қароргоҳлари мавжуд бўлган. Оташпарастлик, Юнон ва Эрон манбалари, археологик топилмалар милоддан аввалги биринчи минг йилликлар ярмида бу ҳудудда "шаҳар" шаклланганлигини кўрсатади. Айниқса, "Самария" ва "Қандия" каби ўрта асрга оид тарихий асар муаллифлари Самарқанднинг ёши уч минг йилдан ошиқлигини таъкидлашган. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар ҳам Зарафшон дарёсининг шимолида, ҳозирги Кўктепа харобалари остида ва Афросиёб шаҳарчасининг пастки қатламларида Сўғднинг икки буюк шаҳари маданиятига оид мудофаа девори қолдиқлари топилган.

Ушбу дарвоза ва деворлар "Авесто"да ҳикоя қилинган "Вар" типидаги тархиётни эслатади, бундай қалъа харобалари бугунги кунда қадимги Хоразмда (Катта ва Кичик Аёзқалъа) сақланиб қолган.

Жами Самарқанд шаҳрида олтита дарвоза бўлиб, биринчиси — шимолий дарвоза, дастлаб Намозгоҳ, XV асрга келиб Шайхзода (Бухоро дарвозаси) номи билан юритилган, иккинчиси — Боб-ул ҳадид, XV асрга келиб "Бобурнома"да Оҳанин ёки Қарши дарвозаси деб аталган. Учинчиси — Машҳад, кейинроқ "Феруза дарвозаси" деб номланган, тўртинчи ва бешинчи дарвозалар жануб томонда жойлашган бўлиб, тўртинчиси "Сўзангарон" (игна ясовчилар), бешинчиси эса аввал Қаландархона, Коризгоҳ, кейинчалик Хўжа Ахрор номи билан боғланган. Энг сўнгги олтинчи дарвоза ғарбий деворда, Чорсу, сўнгра Чорраҳа, Пой-кабоқ деб аталган.

Шаҳар дарвозалари бадиий жиҳатдан замон руҳига мос, улуғвор кўринишда қурилган, пештоқларининг икки тарафида мустаҳкам миноралар бўлган, деворлари эса турли рангларда товланувчи безакли парчин қопламалар билан зийнатланган.

Ўрта аср шаҳарлари дарвозаларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улардан энг қадимийлари "фронтал композицияли пештоқлар"дир. Бундай турдаги дарвозаларнинг асосий вазифаси қоровул — соқчиликка хизмат қилишдир. Қадим заминимизда шаҳар дарвозалари, биринчидан — давлат ва ҳукмдорларнинг мавқеи, куч-қудратини ифодаласа, иккинчидан — шаҳарсозликда, юқорида келтирганимиздек, кириш ва чиқиш белгиларидан бири ҳисобланган. Зеро, Ватан остонадан бошланганидек, шаҳарлар ҳам ўтмишда ўша дарвозалардан бошланган ва улар остона вазифасини ўтаган. Бундай маҳобатли ва бадиий безакли дарвозалар ҳукмдорлар маблағи ҳисобидан, уларнинг махсус буюртмаси билан меъмор-муҳандис, усталар ҳамда маҳаллий аҳоли кучи билан ҳашар ёрдамида тикланган.

Тошкент. Самарқанд дарвоза.

Мустақиллик шарофати билан Тошкент ва Самарқанд шаҳри тарихий дарвозаларининг айрим намуналарини қайта тиклаш ва улардан рамзий маънода фойдаланиш масалалари илгари сурилди. Бунга сабаб, пойтахтимизга киришда рамзий дарвозаларнинг ўрнатилмаганлиги, юртимиз бошидан кечирган нохуш кунлар натижаси ўлароқ, Президентимиз Ислом Каримов: "Шаҳарларимиз бедарвоза бўлмаслиги керак", деган иборани қўлладилар ҳамда Тошкент шаҳрининг ўтмишдаги 12 та дарвозаси (Чиғатой, Самарқанд, Лабзак, Чорсу, Бешёғоч, Кўкча, Камолон,..) бўлганлиги ва бу дарвозаларнинг бежизга ўрнатилмаганлигини таъкидлаб, улардан бир нечтасини қайта тиклаш ғоясини илгари сурдилар.

Самарқанд шаҳрида туризм имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, ўрта асрлар Самарқанд шаҳри тарихий дарвозаларидан яна иккитасини: Амир Темур аркини Регистон билан боғлаган — Арк дарвозасини ҳамда Оҳанин дарвозасини қайта тиклаш лойиҳасини самарқандлик меъморларимиз яратдилар.

Умуман олганда, бугунги кунда республикамиз шаҳарларига кираверишдаги шоҳ кўчаларга рамзий тоқ-дарвозалар, кўприк-дарвозалар қуриш, рамзий белги (обелисклар) ўрнатиш тажрибалари кириб келмоқда. Хусусан, Жомбой, Ургут, Андижон, Наманган, Каттақўрғон, Сурхондарё, Пайариқ (Исмоил Бухорий мажмуаси); Қарши ва Фарғона каби кўплаб шаҳар ва туманларга кираверишда дарвозалар ўрнатилган. Бироқ Тошкент, Сирдарё ва Жиззах ҳудудларида бу каби рамзий дарвозалар мавжуд эмас. Шунинг учун, бизнингча, ушбу шаҳарларга тарихий дарвозалари номларидан фойдаланиб, шаҳарсозлик нуқтаи назаридан вилоят, шаҳар, кичик шаҳар ҳамда туманлар миқёсида ва муайян вилоят тизимида комплекс равишда рамзий дарвозалар, йўл белгилари ва меъморий ёдгорликлардан иборат меъморий-бадиий яхлит муҳит яратиш меъморларимиз олдида турган долзарб муаммодир. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистонда 20 га яқин қадимий шаҳарларнинг тарихийлигини сақлаб қолишда «Тошбошплан» билан ҳамкорликда иш олиб бориш замон талабидир.

Муносабат

Создан йироқ «юлдузча»лар

Убайдулла СИРОЖЕВ

Миллий санъатимиз, унинг теран томирларини эслашимиздан муддао, бугунги ўзбек қўшиқчилиги айрим ёш хонандалар ижроси ва талқинида саёзлашиб, кўпчиликнинг ғашига тегаётганини дилдан тилга чиқармоқдир. Тўғри, бу ҳақда, хусусан ўзбек миллий эстрада санъати ҳақиқий ўзбек эстрадасидан тубдан узоқлашиб кетилгани ҳақида кўп ёзилди. Ҳатто аччиқ-аччиқ таъналар билдирилди. Аммо барибир ижобий ўзгариш сезилмаётир. Сабаби, санъатга эндигина кириб келаётган ёш санъаткорларга мазмунли, маъноли шеърлар танлаш ва бастакор басталаган қўшиқни ижро қилиш борасида аниқ талаблар қўйилмаётир.

Келинг, умумий фикрлардан қочайлик-да, аниқ мисолларга мурожаат қилайлик. Яқинда радиоканаллардан бирида анчайин танилиб қолган икки-учта ёш хонанда билан шоу-суҳбат бўлди. Улар санъатнинг (миллий санъатнинг эмас) қайсидир йўналишида ижод қилиб, йўлини, мухлисларини топиб олишган. Сатрлари саёз, маъносиз шеърларга басталанган (?) мусиқа жўрлигида (араб, афғон, ҳинд, турк мусиқаларидан "ўғирланган" чатишма мусиқа) қўшиқлар куйлаб, ёшлар қалбини забт этганлар. Лекин, лекин... "Сиз саҳнага нега қўлингизда тор олиб чиқмайсиз? Нега тор четрмайсиз?" каби саволларга улардан бири: "Мен тайёр мусиқага қўшиқ айтолмайман", яна бири эса: "Саҳнага тор кўтариб чиқиш бачаналик. Тор чалсам мувозанатимни (?) йўқотиб қўяман", деб жавоб берди. Яна бири эса: "Тор ёки рубоб ушласам, унинг оҳангига овозимни мослай олмайман, қўшиқ сўзларини йўқотиб қўяман", дея маҳмадоналик қилди.

Ўзларини санъаткор қўшиқчи деб бош кўтариб юрган ўша "юлдузча"лар сўзларини ўзбек мумтоз санъати қўшиқчилиги намояндалари, атоқли бастакор ва мусиқашунослар тинглаётганини наҳотки англамадилар?! Халқ ҳофизлари, мақомчилар бу "мусиқа"чиларнинг сўзларини қандай қабул қилишди экан-а?!

Эллик йилдан буён қўлида тор кўтариб саҳнага чиқаётган Олмахон опа (ўн икки ёшидан рубоб чертган), Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Нуриддин Ҳамроқулов, Камолиддин Раҳимов каби халқ артистлари, ўзбек миллий санъатини дунёга ёйган яна қанча-қанча санъаткорларнинг дили ранжимайдими, бундайин сўзларни эшитиб?

Тайёр мусиқа, европача рок оҳангнинг ўта баланд пардаси жўрлигида қўшиқ куйлаган ёш хонандалар (улар жуда кўпчилик) ҳунари миллийликдан бутунлай маҳрум. Ҳолбуки, фақат санъатгина миллат улуғлигини ифодалай олади. Шунинг учун ҳам турк, корейс серигаларида миллий санъатни, миллатга содиқликни бусбутунлигича кўра оляпмиз — миллий турк, миллий корейс қўшиқлари ўзга тил, ўзга оҳангда бўлсин, бизнинг қалбимизга-да етиб бораётир.

Ўзимизнинг айрим ёш санъаткорларимиз эса миллийликни, миллий санъатни тан олгиси келмайдилар.

Ҳажвия

Лойқа

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

— Да-а, алло, ҳа, менман. Сен кимсан? Мавлон? Э-э, мавлоно, қалай? Гаранг?.. Таранг? Нима таранг? Асаб? Сенда асаб нима қилади?! Санаторийга? Қайсига? «Ботаника»гами? Менга қара, санаторийга борадиган пулингга мазза қилиб чойхона паловни уриб, айиқдай ағанаб ётмайсанми?! Асабни даволатиш керак? Ҳой, инсон, нега асабийлашасан? Ниманинг ғамини ейсан? Ҳамма нарсанг етарли бўлса... Ҳамма нарсани ўйлайман? Жиннимисан? Умар Ҳайём нима деган, биласанми? Бу дунёга не алломалар келдилар, анинг сирларин билмай, алжираб-валжираб ўтиб кетдилар. Шунақа, оғайни. Ҳар нарсага сиқилаверма, асабни асраш керак. Одамларга ҳайронсан. Салдан салга ғазаби қайнаб, кўзидан ўт чиқиб кетади-я... Кеча ён қўшним, тутақиб ҳасрат қилди: магазин очаман деса, рухсат бермабди. Таниш-билишга берибди-ю, бунга бермабди. «Таниш-билишчилик қачон йўқ бўлади?» — дейди. Ўлганда йўқ бўлади, дедим. Бу думалоқ дўппининг тагида одам зоти яшаб тураркан, таниш-билиш ҳам яшайверади. Тўғри айтибманми? Бунга тушунтириб бўлмайди-да, доим жиғибийрон. Кўнгил дейсанми? Кўнгил қурсин. Кўнглим нозик? Ҳи-ҳи-ҳи... Мана шунақа чақчақлашиб турайлик. Диққатпазлик ёмон.

Ҳей, ёш болалар ҳам «нервенни»-я! Айтганини қилмасанг, ерга думалайди. Тўққизда ўқийдиган битта ўғилчамиз бор. Кеча биров билан муштлашиб кептилар. Бу кишининг севганлари бор экан. Шу қизларига бир безори гап отибди. Жаҳллари чиқиб уни роса дўппослабдилар. Ҳой, нодон бола дедим, битта қиз деб безори билан олишасанми? Қиз қуриб кетибдими? Ё битта қиз деб ўлиб кетмоқчимисан?..

Ҳай, дам олиб ётгин. Милённи ўйлайман дейсанми? Миллатни? Миллатга ҳеч нарса қилмайди. Ўзингни эҳтиёт қил. Менми? Дунёни сув босса, тўпиғимга чиқмайди. Маънавият ҳақида лекция ўқийман, дейсанми? Қаерда? Бизнинг ишхонадами? Алло, эшитяпсанми? Сен лекция ўқиганинг билан олам ўзгариб қоладими?.. Нима? Ҳой, биров билан ишинг нима? Нима дединг? Ким лойқа? Менми? Оғзингга қараб гапирясанми? Лойқа демадинг? Лойқайд? Нега лойқайд бўларканман? Ҳақорат қилма! Мен сени одам деб насиҳат қиляпман. «Нерв»имни қўзғама, бола! Сени айтади лойқайд деб. Сен юз марта лойқайдсан! Кўрсатиб кўяман сенга ким лойқайд! Қўй, трубкани, бўлмаса ғажиб ташлайман!!!

Уф-ф, асабни расво қилди-я... Ҳе...

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Тафаккур

Бахт надир, бахтсизлик-чи?

Моҳира ЮНУСОВА
тайёрлади

Бахтсиз онларда энг яхши таянч ақл эмас, балки жасоратдир.

Л. ВОВЕНАРГ

Бахт — бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақллига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

Асқад МУХТОР

Инсон фаришта ҳам эмас, ҳайвон ҳам. Унинг бахтсизлиги кўпроқ фаришта ўхшашга интилиб, кўпроқ ҳайвонга яқинлашиб қолганидадир.

Б. ПАСКАЛЬ

Икки оёғинг остидаги замин аслида ундан ҳам улканроқ эканлигини тасаввур эта олмаслик бахтни англашдир.

Ф. КАФКА

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

БЕРУНИЙ

Бахтга муҳтож бўлмаган одам энг бахтли одамдир.

СЕНЕКА

Одатда зиёдалик зиён келтиради.

ЗАМАХШАРИЙ

Бахтга интилиш бўлмаган жойда ҳеч нарсага интилиш бўлмайди. Бахтли бўлишга интилиш интилишларнинг интилишидир.

Л. ФЕЙЕРБАХ

Яшаш мажбурий эмас, лекин бахтли яшаш шарт.

Ж.РЕНАР

Ҳаётдаги энг муҳим масала — одамлар орасида умргузаронликни қандай ўтказиш.

А. КАМЮ

Бизни бахтли бўлиш иштиёқи эмас, кўпроқ бахтли одам деб донг таратиш иштиёқи қийнайди.

Ф.ЛАРОШФУКО

Бахтли бўлишни истайсанми? Ундай бўлса, аввал машаққат чекишни ўрган.

И.ТУРГЕНЕВ

Мулоҳаза

Гўзалликни ҳам ҳаё билан севиш керак.
Ф. ПЕТРАРКА

Муҳаббат неча ёшда?

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
ЎзМУ талабаси

Автобусда кетар эканман, ёнимдаги ўриндиқда ўтирган йўловчига қарайман. Ўн олти-ўн етти ёшлардаги бу йигитча қўлидаги телефонни ўйнаб ўтирар, ҳозирзамон боласи эканлиги билиниб турарди.

Бекорчиликдан кузатиб бордим. У ҳам зерикди, шекилли, қўл телефонини ишга солди. Эътибор бермасам, ярим соат ичида олтита қизга "севги" изҳор қилди. Ҳар бир муваффақиятидан сўнг эса ўртоғига сим қоқиб мақтанди.

Кўнглим ғаш тортди. Манзилга етгач, бир дўстимга бу ҳақда гапириб бердим. У эса:

— Бу ҳали ўспирин йигитчанинг муҳаббати. Сен "ҳақиқий муҳаббатлар"ни билмайсан, шекилли, — деди қаҳ-қаҳ отиб.

Отабекнинг авлоди эканлигимизга шубҳаланиб қолдим. Одам Атонинг тенгдоши бўлган инсоний муҳаббатда мавжуд бўлган ахлоқ қоидалари наҳот бугун ўз рангини йўқотди?!

Қалбимдаги яримжон ишонч билан талабалар орасида сўровнома ўтказишга қарор қилдим. Талабалар турар жойидаги бўш вақтимиздан фойдаланиб, талаба ёшлардан сўров қоғозларини тўлдиришни илтимос қилдим. 50 та талабадан 23 таси талабаларнинг муҳаббатга ошуфта бўлишларига сабаб зерикиш, бекорчилик деб ҳисоблашса, 16 таси "муҳаббат учун вақт йўқ"лигини эътироф этди. Қолган талабалар эса (11 та) талабаликдаги муҳаббатни ҳақиқий севги деб санашар экан.

Бу, албатта, нисбий ҳолат. Ҳақиқий вазиятни эса ҳар бир инсон ўзидан қидирса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аҳвол

Фараз қилинг, уй тўла меҳмон. Лип этиб чироқ ўчиб қолди, табиийки, хонадон аҳли саросимага тушади. Меҳмон ҳам хижолат: қадамимиз ёқмадими, деган ўйга боради. Бундай ноқулай вазиятга тушиб қолишимизга ким айбдор? Кўпчилик ширкатдагиларни қойийди, аммо фуқароларнинг ўзлари ҳам фойдаланган электр токи ҳақини тўламаганликлари учун шу қийинчиликка рўбарў бўлишмоқда.

Ўғри истеъмолчи

Чироқ ногоҳ ўчиб қолса, унга ким айбдор?

Шавкат НОСИРОВ

Ромитон туманидаги 18623 та абонентга туман электр тармоқлари корхонаси ва унинг тасарруфидаги 8 та махсус бўлим (участка) да 84 нафар муҳандис-монтёрлар хизмат кўрсатишади. Улар хонадонларга ёруғлик, электр имкониятларини узатишдан ташқари пахта тозалаш заводлари, саноат мажмуалари, шифохоналар ва бошқа кўплаб давлат ва нодавлат секторидаги тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжини қондирадилар. Бироқ электр тармоқларига ноқонуний равишда уланиб олган ёхуд хизматлар ҳақини тўламайдиган кимсалар корхонани орқага тортмоқда. Туманда, айниқса, ноқонуний уланишлар кўп такрорланади. Корхона раҳбари Толибжон Жалиловнинг айтишича, "Қалайчорбоғ" ҚФЙ ҳудудида яшовчи И. Авезов хонадонининг бир қисми тармоққа яширинча уланган. Худди шундай ҳолат унинг маҳалладоши Ж. Ёдгоровнинг уйида ҳам кузатилган. Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, баъзи кимсалар бу ишда бир-бирларидан "ўрнак" олаётганлари тасдиғини топди. Яна айримларнинг эса савдо дўкони ёки хусусий корхоналардаги электр токидан ноқонуний фойдаланаётганликлари маълум бўлди.

Демак, чироқнинг ногоҳ ўчишидан кайфиятлари тунд бўлган истеъмолчилар айбни ўзларидан ҳам қидирсалар фойдадан холи бўлмасди. Нафақат электр токи, балки табиий газ, ичимлик суви, солиқ каби коммунал тўловларни кечиктирмай тўлаб борсалар, давлат бюджетига тушадиган маблағ эвазига ишчиларнинг иш ҳақлари, нафақахўрларнинг нафақалари ўз вақтида тўланишига замин яратилган бўларди.

O'ZINGNI ANGLAI
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-151 Т: 4160 2345